

СУНЬИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА ПРОКУРАТУРА ФАОЛИЯТИГА ТАТБИҚ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Шоймарданов Шохбоз Холбоевич

Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистри

***Аннотация:** Мақолада сунъий интеллект технологияларининг ҳуқуқий тавсифи, халқаро ва миллий нормативик асослари ҳамда прокуратура фаолиятига татбиқ этишининг назарий ва амалий имкониятлари таҳлил қилинган. Муаллиф сунъий интеллектни халқаро миқёсда ҳуқуқий тартибга солишининг учта механизмини – диспозитив халқаро тавсиялар, мажбурий минтақавий қонунчилик ва халқаро шартнома механизмларини – аниқлаб берган. Прокуратура фаолиятида сунъий интеллектни татбиқ этишининг тўртта йўналиши, шунингдек тушунтирувчанлик, инсон назорати ва ҳуқуқий масъулиятнинг аниқлиги тамойиллари асосланган. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимидаги мавжуд бўйлиқлар таҳлили асосида «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва миллий стандартларни ишлаб чиқиш зарурати илмий жиҳатдан асосланган.*

***Калит сўзлар:** сунъий интеллект, прокуратура, рақамли ҳуқуқ, алгоритмик адолат, тушунтирувчанлик, инсон назорати, OECD тавсиялари, ЕИ АИ Акт, фуқаролар мурожаатлари.*

***Аннотация:** В статье анализируется правовая характеристика технологий искусственного интеллекта, их международные и национальные нормативные основы, а также теоретические и практические возможности внедрения в деятельность прокуратуры. Автор выделяет три механизма*

международно-правового регулирования ИИ – диспозитивные международные рекомендации, обязательное региональное законодательство и международно-договорные механизмы. Обоснованы четыре направления применения ИИ в деятельности прокуратуры, а также принципы объяснимости, человеческого контроля и правовой определённости ответственности. На основе анализа существующих пробелов в правовой системе Узбекистана научно обоснована необходимость внесения соответствующих изменений в Закон «О прокуратуре» и разработки национальных стандартов.

Ключевые слова: искусственный интеллект, прокуратура, цифровое право, алгоритмическая справедливость, объяснимость, человеческий контроль, рекомендации ОЭСР, AI Act ЕС, обращения граждан.

Abstract: The article analyzes the legal characteristics of artificial intelligence technologies, their international and national regulatory foundations, and the theoretical and practical possibilities of their application in the activities of the prosecutor's office. The author identifies three mechanisms of international legal regulation of AI: soft law international recommendations, mandatory regional legislation, and international treaty mechanisms. Four directions of AI application in prosecutorial activities are substantiated, along with the principles of explainability, human oversight, and legal certainty of responsibility. Based on an analysis of the existing gaps in the legal system of Uzbekistan, the necessity of introducing appropriate amendments to the Law "On the Prosecutor's Office" and developing national standards is scientifically justified.

Keywords: artificial intelligence, prosecutor's office, digital law, algorithmic fairness, explainability, human oversight, OECD recommendations, EU AI Act, citizens' appeals.

КИРИШ

Замонавий ҳуқуқ фани тарихида бир хил технология бу қадар қисқа вақт ичида бу қадар кенг ҳуқуқий баҳсларнинг марказига чиқмаган, яъни сунъий интеллект бугунги кунда нафақат техника ва иқтисодиёт, балки ҳуқуқий тартибга солиш назарияси ва амалиётининг ҳам асосий муаммосига айланди. Тарихий нуқтаи назардан қаралганда ҳар бир технологик ривожланиш, яъни босма матбаа, телеграф, компьютер ўзига хос ҳуқуқий муаммоларни юзага келтирган ва ҳуқуқ тизими уларга мослашишга мажбур бўлган. Сунъий интеллект эса ушбу тарихий занжирдаги энг мураккаб ҳалқани ташкил этади, зеро у нафақат иш юритиш тезлигига, балки қарор қабул қилишнинг ҳуқуқий субъекти масаласига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Прокуратура фаолияти нуқтаи назаридан ушбу масала икки қутбли йўналиш ҳамда ўзига хос табиатга эга ҳисобланади. Бир томондан, сунъий интеллект технологиялари орқали жиноят тафтиш жараёнини тезлаштириш, фуқаролар мурожаатларини автоматлаштирилган тартибда таснифлаш, ҳужжатларни мазмунан таҳлил қилиш ва институционал ресурсларни оқилона тақсимлаш имкониятини беради. Иккинчи томондан, рақамли (алгоритмик) қарор қабул қилиш жараёнлари шаффофлик талаби, айбсизлик презумпцияси ва одил суд ишини юритиш тамойили каби асосий ҳуқуқий кафолатларга нисбатан жиддий саволларни юзага келтиради. Рақамли

технологиялар ёрдамида чиқарилган хулоса инсон ақли томонидан чиқарилган хулосадан мазмунан фарқ қилмаслиги мумкин, бироқ унинг ҳуқуқий асоси, текширилувчанлиги ва масъулият тақсимоли бутунлай бошқача меъёрларни тақозо этади.

Шу боис биз сунъий интеллект тушунчасининг ҳуқуқий тавсифи, халқаро ва миллий нормативик асослари, прокуратура фаолиятига татбиқ этишининг назарий ҳамда амалий имкониятлари ва чекловлари, шунингдек ушбу масала юзасидан жаҳон ҳуқуқий адабиётида шаклланган назарий баҳсларни изчил таҳлил қилишни мақсад қилдик.

АСОСИЙ ҚИСМ

Юқорида таъкидлаб ўтилган икки қутбли таснифдан мантиқан келиб чиқадиган дастлабки савол шундан иборатки, сунъий интеллект нима ва у ҳуқуқий жиҳатдан қандай тавсифланади? Ушбу саволга жавоб бериш осон эмас, чунки сунъий интеллектнинг ягона, умумэътироф этилган ҳуқуқий таърифи бугунги кунда на халқаро, на миллий ҳуқуқ тизимларида мустаҳкамланмаган. Бундай аниқлик йўқлиги бежиз эмас: мазкур масала жаҳон ҳуқуқий адабиётида узоқ йиллик академик баҳсларнинг ўзагини ташкил этиб, муаллифлар ўртасида методологик ёндашувлар тубдан фарқланади. Ҳуқуқий таърифнинг шаклланмаганлиги эса нафақат назарий тушунмовчиликка, балки прокуратура ва бошқа давлат органларининг сунъий интеллектни амалиётга татбиқ этишида ваколат ва масъулиятнинг аниқ белгиланмаслигига олиб келади.

Халқаро Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг 2019 йилдаги «Сунъий интеллект тавсияси»да сунъий интеллект «аниқ мақсадлар

SJIF: 5.051

учун тавсиялар, башоратлар ёки қарорлар чиқарувчи, реал ёки виртуал муҳитни белгиловчи машина асосидаги тизим» деб таърифланган. Мазкур таъриф технологик нейтраллик принципига асосланиб, сунъий интеллектни ўрганиш, мулоҳаза юритиш, тавсия ва қарор чиқариш функциялари орқали тавсифлайди. Европа Иттифоқининг 2024 йилдаги Сунъий интеллект тўғрисидаги Регламенти эса сунъий интеллектни «турли хилдаги мақсадлар учун мослашувчан башоратлар, контент, тавсиялар ёки қарорларни чиқара оловчи машина асосидаги тизим» деб таърифлаб, унга функционал ёндашувни устун қўяди.¹

Бироқ, бугунги кунда ҳуқуқий ҳужжатларда берилган мазкур таърифларнинг юридик жиҳатдан тугалланганлиги илмий жиҳатдан баҳсли ҳисобланади. Профессор Л. Флоридининг таъкидлашича, «сунъий интеллект тушунчасини фақат техник кўрсаткичлар орқали таърифлаш ҳуқуқий мақомни белгилашда ожизлик қилади, чунки ҳуқуқий тартибга солиш нафақат технологиянинг нима эканлигини, балки у нима қила олишини ва қандай ижтимоий-ҳуқуқий оқибатларга олиб келишини назарда тутиши шарт».²

Ушбу танқидга жавобан Гарвард ҳуқуқ мактаби профессори К. Коглянезе ва Д. Лер сунъий интеллектнинг ҳуқуқий тавсифи учун иккита мезонни муҳим деб ҳисоблайди, яъни мустақиллик даражаси (автоматлаштирилган ёки мустақил) ҳамда қарор қабул қилиш оқибати (тавсия ёки мажбурий ижро). Ушбу берилган тавсиф прокуратура органи

¹OECD. Recommendation of the Council on Artificial Intelligence. OECD/LEGAL/0449. – Paris: OECD, 2019. – Para. 1.1. // <https://oecd.ai/en/assets/files/OECD-LEGAL-0449-en.pdf>

²Floridi L. An Ethical Framework for a Good AI Society: Opportunities, Risks, Principles, and Recommendations // Minds and Machines. 2018. № 28(4). – P. 707.

фаолиятига татбиқ этишда айниқса муҳим масалалардан ҳисобланиб, прокурор сунъий интеллект тавсиясини ўзи баҳолаб қарор чиқарадими ёки сунъий интеллект қарори мустақил равишда ижро этиладими, деган саволларга ушбу фарқ масъулиятнинг ҳуқуқий тақсимланишини тубдан белгилаб бериши лозим бўлади.³

Профессор Ю.А. Дмитриев ва Е.В. Шленева сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солиш борасида олиб борган тадқиқот ишлари орқали сунъий интеллектнинг тегишли муносабатларда субъектлик ёки объект сифатида тан олиниши нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, у ҳали «ҳуқуқий субъект» эмаслиги ва у «ҳуқуқий объект» мақомида эканлигини таъкидлайди. Бундан ташқари, сунъий интеллект тизими юридик шахс ёки жисмоний шахс каби ҳуқуқий субъект мақомига эга бўла олмаслиги, у яратилган ва бошқарилаётган технологик восита бўлиб, шу сабабли унинг ҳаракатлари учун масъулият унинг яратувчиси, оператори ёки фойдаланувчисига юкланиши ҳақида хулосага келади. Биз мазкур ёндашувни Ўзбекистон ҳуқуқий тизими учун ҳам тўғри деб ҳисоблаймиз, чунки амалдаги қонунчилигимизда сунъий интеллектни мустақил ҳуқуқий субъект деб эътироф этишга ҳеч қандай ҳуқуқий асос мавжуд эмас.⁴

Сунъий интеллектни халқаро миқёсда ҳуқуқий тартибга солишда учта асосий механизм шаклланмоқда. Ушбу механизмлар ҳуқуқий мажбурлов кучи, тартибга солиш усули ва қамрови жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилади ва ҳар бири халқаро ҳуқуқий тартиботда алоҳида ўрин эгаллайди.

³Coglianesi C., Lehr D. Regulating by Robot: Administrative Decision Making in the Machine-Learning Era // Georgetown Law Journal. 2017. № 105. – P. 1150.

⁴Дмитриев Ю.А., Шленева Е.В. Правовое регулирование искусственного интеллекта: проблемы теории и практики. – М.: Проспект, 2021. – С. 45–47.

Биринчи механизм – диспозитив ҳуқуқ доирасидаги халқаро тавсиялар ва тамойиллар мажмуидан иборат. Ушбу таснифга мансуб ҳужжатлар юридик жиҳатдан мажбурий кучга эга бўлмасдан, давлатлар учун сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан мўлжал вазифасини бажаради. Халқаро Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт Ташкилотининг 2019 йилдаги Сунъий интеллект тавсиялари (OECD/LEGAL/0449) ушбу механизмнинг энг нуфузли намунаси ҳисобланади. Унга дунёнинг 42 та давлати қўшилган бўлиб, давлат органлари фаолиятида сунъий интеллектни жорий этишда амал қилиниши лозим бўлган беш тамойилни белгилайди. ЮНЕСКО томонидан 2021 йилда қабул қилинган «Сунъий интеллект этикаси тўғрисидаги тавсия» ҳам ушбу механизмга мансуб бўлиб, инсон кадр-қиммати, шаффофлик ва ҳисобдорлик қоидаларини глобал миқёсда тарғиб қилади. Диспозитив ҳуқуқ механизмнинг асосий камчилиги унга риоя этилмаслиги учун ҳуқуқий санкциялар мавжуд эмаслигида намоён бўлади. Бироқ, унинг афзаллиги технологик ривожланиш суръатига мослашувчанлигидадир.⁵⁶

Иккинчи механизм – мажбурий ижро этиладиган минтақавий қонунчиликдир. Ушбу механизм ҳозирги кунгача энг кенг ривожланган Европа Иттифоқида намоён бўлмоқда. Европа Иттифоқининг 2024 йил 13 июндаги «Сунъий интеллект тўғрисида»ги Регламенти (Regulation 2024/1689, AI Act) дунё тарихида сунъий интеллектни тартибга солувчи биринчи кенг қамровли, юридик мажбурлов кучга эга қонунчилик ҳужжати сифатида тарихий аҳамиятга эга. Регламент таваккалчилик асосидаги тасниф тизимини

⁵OECD. Recommendation of the Council on Artificial Intelligence. OECD/LEGAL/0449. – Paris: OECD, 2019. – Principles 1.1–1.5.

⁶UNESCO. Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence. – Paris: UNESCO, 23 November 2021. – Para. 1.

жорий этиб, жиноят ишлари бўйича иш юритишда қўлланадиган алгоритмик тизимларни «юқори таваккалчиликка асосланган тизимлар» тоифасига киритган ва уларга нисбатан тушунтириш, инсон назорати ҳамда аввалдан мувофиқлик текшируви мажбуриятини белгилаган. Мазкур минтақавий қонунчилик механизми ўз ҳудудида тўлиқ мажбурий бўлса-да, амал қилиш чегараси чекланганлиги унинг глобал самарадорлигини чеклайди.⁷

Учинчи механизм – халқаро шартномавий мажбурий тартибга солиш масалаларини қамраб олади. Бу механизм ривожланишнинг дастлабки босқичида бўлиб, унинг тарихий аҳамиятга эга биринчи намунаси Европа Кенгашининг 05.09.2024 йилдаги «Сунъий интеллект тизимлари билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устунлиги тўғрисида»ги конвенцияси ҳисобланади. Ушбу ҳужжат сунъий интеллект соҳасида юридик мажбурлов кучга эга биринчи халқаро шартнома мақомига эга бўлди. Конвенция нафақат Европа Иттифоқи аъзолари, балки учинчи давлатлар томонидан ҳам имзоланишига очиқ бўлиб, глобал мажбурий стандарт қоидаларини яратишга қаратилган дастлабки уриниш сифатида баҳоланади. Бироқ ратификация жараёни ҳали яқунланмаган ҳамда самарали халқаро бошқарув тизими шаклланиши учун вақт ва сиёсий ирода талаб этилади.⁸

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ушбу уч механизм бир-бирини тўлдирувчи, аммо ҳали ягона мувофиқлаштирилган тизим сифатида фаолият юрита олмаётган қатламлар ҳисобланади. Диспозитив ҳуқуқ кенг қамровли, лекин мажбурий эмас. Минтақавий қонунчилик мажбурий, лекин географик

⁷Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council of 13 June 2024 laying down harmonised rules on artificial intelligence (AI Act). OJ L 2024/1689, 12.7.2024. – Art. 6, Annex III.

⁸Council of Europe Framework Convention on Artificial Intelligence and Human Rights, Democracy and the Rule of Law (CETS № 225), 05.09.2024.

жихатдан чекланган. Халқаро шартномавий механизм эса универсалликка интилаётган, бироқ ҳали шаклланиш босқичида. Прокуратура фаолиятига сунъий интеллектни жорий этаётган Ўзбекистон учун ушбу уч механизмнинг ҳозирги ҳолати шуни англатадики, ягона мажбурий халқаро стандарт мавжуд эмас ва миллий қонунчилик бўшлиқларини тўлдириш давлатнинг ўз масъулияти ҳисобланади.

Ўзбекистонда сунъий интеллектни ҳуқуқий тартибга солишнинг миллий базаси тадрижий равишда шаклланмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, унда сунъий интеллект технологияларини давлат бошқарувига жорий этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қаторига киритилди. 2021 йилда Ўзбекистон Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш вазирлиги ташкил этилиб, унга сунъий интеллект тизимларини татбиқ этишни мувофиқлаштириш вазифаси юклатилди. Бундан ташқари, вазирликлар ва унга тенглаштирилган идораларнинг тегишли қарорлари билан сунъий интеллектни давлат органлари фаолиятига татбиқ этишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди.⁹

Бироқ шуни тан олиш зарурки, Ўзбекистонда ҳозирги кунгача сунъий интеллектни прокуратура фаолиятига татбиқ этишни аниқ ҳуқуқий асосда белгиловчи алоҳида қонун ёки қонуности ҳужжат қабул қилинмаган. Амалдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ҳамда «Фуқароларнинг

⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли фармони. // <https://lex.uz/docs/5030957>
SJIF: 5.051

мурожаатлари тўғрисида»ги қонун сунъий интеллект технологиялари ҳали етарли даражада ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда мавжуд бўлмаган даврда қабул қилинган бўлиб, рақамли тизимларни қўллашга нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқий ҳолат белгиламайди. Шу боис Ўзбекистонда сунъий интеллектни маъмурий суд ишларига ҳамда прокурор фаолиятига татбиқ этишда ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд. Амалиёт қонунчилик базасидан олдинга кетиб, айрим органлар сунъий интеллект асосидаги тизимларни ҳуқуқий тартибга солинмаган ҳолда фаолиятга татбиқ этмоқда.

Назарий ва амалий жиҳатдан прокуратура фаолиятида сунъий интеллект технологиялари қандай йўналишларда татбиқ этилиши мумкинлиги масаласида ҳуқуқий адабиётларда тўртта асосий йўналиш ажратиб кўрсатилади. Биринчиси – сунъий интеллект орқали рақамли ҳужжатларни таҳлил қилиш ва таснифлаш. Бунда сунъий интеллект асосидаги тизимлар кенг ҳажмдаги ҳуқуқий ҳужжатлар, прокурорнинг таъсир чоралари билан боғлиқ ҳужжатлари ва мурожаатларни автоматлаштирилган таснифлаш ва таҳлил қилиш имконини беради. Профессор Р. Сискайндиннинг таъкидлашича, «ҳуқуқий ҳужжатларни робот машина орқали таҳлил қилиш технологияси энди нафақат хусусий ҳуқуқий амалиётда, балки давлат прокуратура органларида ҳам стратегик ресурслар тежовчи ва сифат оширувчи восита сифатида жорий этилиши мумкин».¹⁰

Иккинчиси – сунъий интеллект орқали жиноят билан боғлиқ таваккалчиликни баҳолаш алгоритмлари. Жаҳон амалиётида, хусусан АҚШ судлари ва прокуратуралари жиноятнинг такрорланиш таваккалчилигини

¹⁰ Susskind R. The End of Lawyers? Rethinking the Nature of Legal Services. – Oxford: Oxford University Press, 2010. – P. 28–31.
SJIF: 5.051

баҳолашда COMPAS (Correctional Offender Management Profiling for Alternative Sanctions) каби рақамли тизимлардан фойдаланмоқда. Бироқ 2016 йилда ProPublica журналистлари Жулия Ангвин ва ҳаммуаллифлар томонидан ўтказилган тадқиқот COMPAS алгоритми афроамерикаликларни оқ танлиларга нисбатан икки марта кўпроқ «юқори таваккалчилик» деб белгилаётганини аниқлади. Ушбу тадқиқот рақамли (алгоритмик) адолат (algorithmic fairness) масаласини жаҳон ҳуқуқий баҳсининг марказига чиқарди.¹¹

Учинчиси – муружаатларни рақамлаштирилган (автоматлаштирилган) тарзда кўриш. Рақамли асосидаги тизимлар кириб келган муружаатларни таснифлаш, йўналтириш ва аввал берилган муружаатлар билан таққослаш функцияларини амалга ошириши мумкин. Бироқ ушбу жараёнда прокурор назоратининг ҳуқуқий доирасини белгилаш зарур. Алгоритм «такрорий муружаат» деб баҳолаган аризага нисбатан инсон назоратини таъминламасдан берилган рад жавоби процессуал ҳуқуқни бузиши мумкин.

Тўртинчиси – таҳлил ва ресурслар билан боғлиқ режалаштириш истиқболлари. Сунъий интеллект тизимлари ҳудуд бўйлаб жинойтчиликнинг таркиби ва динамикасини таҳлил қилиб, прокуратура ресурсларини режалаштиришга кўмаклашиши мумкин. Бироқ, профессор Д.К. Ситрон таъкидлайдики, истиқболли таҳлил натижалари ижтимоий-иқтисодий тенгсизликни ҳуқуқий жараёнга кўчириш хавфини туғдиради ва кам

¹¹ Angwin J., Larson J., Mattu S., Kirchner L. Machine Bias: There's Software Used Across the Country to Predict Future Criminals. And It's Biased Against Blacks // ProPublica, 2016.
SJIF: 5.051

таъминланган ҳудудлардаги аҳоли рақамли назоратнинг асосий объектига айланиб қолади.¹²

Сунъий интеллектни прокуратура ва умуман давлат органлари фаолиятига татбиқ этиш масаласида жаҳон ҳуқуқий адабиётида бир-бирига қарама-қарши икки илмий йўналиш шаклланган, яъни технологик имкониятларни умидворлик билан кутиб олувчи тарафдорлар ва ҳуқуқий хавфларни биринчи ўринга қўювчи огоҳлантирувчилар. Ушбу икки йўналиш ўртасидаги илмий мунозара бугунги кунда ҳам яқунланмаган бўлиб, тобора янги далил ва ҳодисалар асосида давом этмоқда.

Тарафдорлардан профессор Р. Сискайнд бу ҳолатни «сунъий интеллект ҳуқуқий хизматларни демократлаштиришнинг асосий воситасидир» деб баҳолайди. Унинг фикрича, сунъий интеллект нафақат самарадорликни оширади, балки адолатга кенгроқ имкон яратади – илгари фақат бой ёки таъсирли томонларга мумкин бўлган ҳуқуқий ҳимоя кенг аҳолига очилади. Профессорлар К. Коглянезе ва Д. Лер ҳам «рақамли тартибга солиш» концепциясида сунъий интеллектнинг тизимлилиги ва масштабланувчанлиги инсон қарор қабул қилишдаги субъектив чекловлардан устун бўлиши мумкинлигини исботлашга уринади. Мазкур ёндашувга кўра, агар рақамли технологиялар тўғри ташкиллаштирилган бўлса, у одамга хос хатолар ва холис бўлмаслик, чалғиш, чарчоқ, шахсий мойиллик каби омиллардан холи равишда бир хил вазиятларга ҳар доим бир хил баҳо беради.¹³¹⁴

¹²Citron D.K. Technological Due Process // Washington University Law Review. 2008. № 85(6). – P. 1249.

¹³Susskind R. Tomorrow's Lawyers: An Introduction to Your Future. – 3rd ed. – Oxford: Oxford University Press, 2023. – P. 87.

¹⁴Coglianesi C., Lehr D. Regulating by Robot // Georgetown Law Journal. 2017. № 105. – P. 1160.

Огоҳлантурувчилар сифатида эса Д.К. Ситрон, Ф. Паскуале ва Ш. Зубофф эътироф этилган. Уларнинг илмий қарашларида рақамли муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнига масъулият билан қарамаслик ҳолатлари аллақачон конституциявий муаммога айланаётганини исботлаб берган. Рақамли муносабатлар ва уларни амалга оширувчи инновацион технологиялар фаолияти шаффоф бўлмаса, фуқаро ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун зарур маълумотдан маҳрум этилади.

Профессор Ф. Паскуале «қора қути» моделига илмий жиҳатдан фикр юритар экан, амалиётда тизимли муаммонинг илмий асосларини танқид остига олиб, шаффоф бўлмаган алгоритмлар ҳисобдорлик тамойилини, яъни демократик бошқарувнинг асосини изчил равишда таҳдид остига қўяётганлиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Профессор Д. Ситрон эса бу борада яна бир муаммоли вазиятни таҳлилга олиб, рақамли муносабатлардан келажакда юз бериши мумкин бўлган оқибатлар пировардида уни жамиятни назорат қилишга ўтиб кетиш хавфи борлигини таъкидлайди. Бу эса давлат органлари қўлидаги сунъий интеллектни фуқаро устидан янги хилдаги институционал кучга айлантиради.¹⁵¹⁶

Тадқиқотчи Р. Биннс ўз тадқиқот ишлари орқали рақамли адолат тушунчасини янада мураккаблаштириши мумкинлигини, алгоритмик адолат ягона, қатъий тушунча эмас, балки у камида олти мустақил тушунчани ўзида жамлашини – тенг муносабат, тенг уддалаш, тенглаштирилган аниқлик, индивидуализм ва тизимлилик асосида – таъкидлайди ва бу тушунчалар математик жиҳатдан бир вақтнинг ўзида амалга оширилмаслиги

¹⁵Pasquale F. The Black Box Society: The Secret Algorithms That Control Money and Information. – Cambridge: Harvard University Press, 2015. – P. 8.

¹⁶Citron D.K. Technological Due Process // Washington University Law Review. 2008. № 85(6). – P. 1287.
SJIF: 5.051

мумкинлигини кўрсатиб ўтади. Унинг олиб борган таҳлили прокуратура фаолиятидаги сунъий интеллект учун ҳам долзарб бўлиб, у рақамли «адолат»га таянган ҳолатда ишлайди, деган хулоса қайси адолат мезони асосида чиқарилганлиги ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланмас экан, ишонарли эмас, деган хулосага келади.¹⁷

Биз ушбу илмий баҳс ва мунозаралардан келиб чиққан ҳолда сунъий интеллект «яхши» ёки «ёмон» деган саволни муҳокама қилиш эмас, балки унинг жамиятдаги тутган ўрни қай даражада бўлади, у тарафдан келтириладиган фойдалар ёки унинг фаолиятидан келиб чиқадиган зарар қандай ҳуқуқий тартибга солинади, деган саволлар ҳамон сўроқ остида турганлигини кузатишимиз мумкин. Қайси ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд бўлганда сунъий интеллект прокуратура фаолиятини инсон ҳуқуқларини камситмасдан самарали қилади, деган саволга мавжуд ёндашувлар асосида учта асосий тамойилни шакллантириш мумкин: тушунтирувчанлик тамойили (сунъий интеллект қарорининг хулоса қисмига ўзгартириш киритиш ва уни назоратдан ўтказиш тартибини белгилаш); инсон назорати тамойили (юқори таваккалчиликка асосланган қарорлар мустақил равишда сунъий интеллект томонидан чиқарилмаслиги); ҳуқуқий масъулиятнинг аниқлиги тамойили (сунъий интеллект қарори натижасида ҳуқуқи бузилган шахс кимдан қандай тартибда ҳуқуқий муҳофаза сўраши мумкинлигини билиши).

Прокуратура фаолиятига сунъий интеллектни жорий этишнинг Ўзбекистон учун имкониятлари ва чекловлари аниқ ҳуқуқий таҳлилни тақозо этади. Ижобий имкониятлар қаторида қуйидагилар алоҳида кўрсатилиши

¹⁷ Binns R. Fairness in Machine Learning: Lessons from Political Philosophy // Proceedings of the 1st Conference on Fairness, Accountability and Transparency. 2018. – P. 159.
SJIF: 5.051

лозим: «manzil» электрон хужжат алмашинуви тизими орқали тўпланаётган жиной-процессуал хужжатлар базасини машина ўрганиши орқали таҳлил қилиш мумкин; «murojaat.uz» тизимидаги мурожаатларни автоматик таснифлаш ва йўналтириш орқали прокуратура иш юқини камайтириш мумкин; маъмурий хатоларни аниқловчи интеллектуал аудит тизимлари жинойтлар ва коррупцияни кашф этишда ёрдам бериши мумкин.

Ушбу масаланинг ҳуқуқий ечимига келадиган бўлсак, қуйидаги ҳуқуқий чекловлар мавжудлигини унутмаслигимиз лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда сунъий интеллект асосидаги тизимларни ваколатли воситалар қаторида кўрсатувчи норма мавжуд эмас; шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий хужжатлар сунъий интеллект тизимлари ишлатадиган маълумотлар тоифасини тўлиқ қамраб олмайди; сунъий интеллект тизимида белгиланган «тушунтирувчанлик» ва «инсон назорати» талабларига ўхшаш миллий стандартлар ишлаб чиқилмаган.

ХУЛОСА

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш зарурки, сунъий интеллект технологиялари прокуратура фаолиятига, жумладан фуқаролар мурожаатларини кўришга татбиқ этиш масаласида назарий ва амалий имкониятлар мавжуд. Бироқ ушбу татбиқ ҳуқуқий кафолатлар тизимсиз амалга оширилса, инсон ҳуқуқлари, шаффофлик ва прокурор масъулиятига нисбатан жиддий таҳдидларни юзага келтиради.

Жаҳон ҳуқуқий адабиётидаги баҳс таҳлили шунини кўрсатадики, ушбу масала бўйича яқдиллик мавжуд эмас, бироқ тушунтирувчанлик, инсон

назорати ва масъулиятнинг аниқлиги тамойиллари консенсусга яқинлашилаётган нуқталар сифатида ажратиб кўрсатилади. Ўзбекистон учун эса юзага келаётган сунъий интеллектга асосланган рақамли амалиётни ҳуқуқий кафолатлар тизими билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунга тегишли ўзгартиришлар киритиш ва сунъий интеллектга хос бўлган юқори таваккалчиликни ҳуқуқий жараёнларда қўллаш учун миллий стандартларни ишлаб чиқиш зарурлиги асосий хулосаларимиздан бири ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. OECD. Recommendation of the Council on Artificial Intelligence. OECD/LEGAL/0449. – Paris: OECD, 2019. // <https://oecd.ai/en/assets/files/OECD-LEGAL-0449-en.pdf>
2. UNESCO. Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence. – Paris: UNESCO, 23 November 2021. // <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000380455>
3. Regulation (EU) 2024/1689 of the European Parliament and of the Council of 13 June 2024 laying down harmonised rules on artificial intelligence (Artificial Intelligence Act). OJ L 2024/1689, 12.7.2024. // <https://eur-lex.europa.eu/eli/reg/2024/1689/oj/eng>
4. Council of Europe Framework Convention on Artificial Intelligence and Human Rights, Democracy and the Rule of Law (CETS № 225). // <https://www.coe.int/en/web/artificial-intelligence>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сонли «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни SJIF: 5.051

- самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони. // <https://lex.uz/docs/5030957>
6. Floridi L. An Ethical Framework for a Good AI Society: Opportunities, Risks, Principles, and Recommendations // *Minds and Machines*. – 2018. – № 28(4). – P. 707.
 7. Coglianese C., Lehr D. Regulating by Robot: Administrative Decision Making in the Machine-Learning Era // *Georgetown Law Journal*. – 2017. – № 105. – P. 1147–1223.
 8. Дмитриев Ю.А., Шленева Е.В. Правовое регулирование искусственного интеллекта: проблемы теории и практики. – М.: Проспект, 2021. – 320 с.
 9. Susskind R. *The End of Lawyers? Rethinking the Nature of Legal Services*. – Oxford: Oxford University Press, 2010. – 320 p.
 10. Susskind R. *Tomorrow's Lawyers: An Introduction to Your Future*. – 3rd ed. – Oxford: Oxford University Press, 2023. – 240 p.
 11. Angwin J., Larson J., Mattu S., Kirchner L. *Machine Bias* // *ProPublica*, 2016. // <https://www.propublica.org/article/machine-bias-risk-assessments-in-criminal-sentencing>
 12. Citron D.K. *Technological Due Process* // *Washington University Law Review*. – 2008. – № 85(6). – P. 1249–1313.
 13. Pasquale F. *The Black Box Society: The Secret Algorithms That Control Money and Information*. – Cambridge: Harvard University Press, 2015. – 320 p.

-
14. Binns R. Fairness in Machine Learning: Lessons from Political Philosophy // Proceedings of the 1st Conference on Fairness, Accountability and Transparency. – 2018. – P. 149–159.